



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Мамлакатимиз
иқтисодиётида амалга
оширилган таркибий
ўзгаришлар натижасида
саноатнинг ривожланиши
 билан ушбу соҳада ёш
кадрларга бўлган талаб ҳам
ортмоқда. Бу масалага таълим
сифати ва меҳнат бозорини
чукур ўрганиш асосида
ёндашилаётгани катта
самаралар берадиган.

Ёшлар — келажагимиз

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Хусусан, кадрлар тайёрлаш тизими
мининг мухим бўғини бўлмиш ўрта
махсус, касб-хунар таълими фаолияти
иқтисодиётдаги таркиби ўзгаришлар,
уларнинг мутахассисларга бўлган талабидан келиб чиқсан ҳолда
йўлга кўйилган.

Бу таълим тизимини иқтисодиёт
тармоқлари билан мутаносиб тарзда
ривожлантириш, ёшларни касб-
хунарга йўналтириш ҳамда битирувчи
ларни ўз касби бўйича ишга жойлаштириш
борасида мухим омидир.

Шахримиздаги тикув ва тикув-три-
котах буюмларни ишлаб чиқариш
технологи, кенг ассортиментдаги кий-



Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган сурат

имлар модельер-конструктори каби
мутахассислар бўйича кадрлар
тайёрлашга ихтисослашган Яккаса-
тни ёнгил саноат касб-хунар колле-
жида ҳам пухта кадрлар етишириш
ишлари йўлга кўйилган. Жумладан,
колледжа ўқувчиларнинг билим ва
кўнкимларини мустаҳкамлаш учун
еттига тикувчилик устахонаси ташкил
етилган бўлиб, улар замонавий ти-
кот дастгоҳлари билан жихозланган.

Коллеж ўқувчилари ҳар йили анъа-
навий тарзда ўтказиб келинаётган
Style.uz мода ҳафталиги доирасида
амалиётни яхши ўтаган битируvчilar
доимий иш ўринларига эга бўлмоқда.
Даврон НУРМАТОВ

модельерларнинг ишлари, дизайн
сир-асрорларини ўрганишади. Зоро,
ишлаб чиқарни жараённи олинган
бундай билим ва таҳрибалар келгу-
сида жуда юл келади.

Шу бойс пойтактимиздаги саноат
корхоналарида мазкур коллеж битируv-
чиларiga талаб ошмоқда. Кўллаб тек-
стиль компаниялари, шу соҳада фао-
лият юритаётган кичик бизнес ва ху-
сусий тадбиркорлик субъектлари кол-
леж ўқувчиларини ишга фаол жалб
етишмоқда. Муҳими, корхоналарда
амалиётни яхши ўтаган битируvchilar
доимий иш ўринларига эга бўлмоқда.

Даврон НУРМАТОВ

корхоналаридан мазкур колледж битируv-
чиларiga талаб ошмоқда. Кўллаб тек-
стиль компаниялари, шу соҳада фао-
лият юритаётган кичик бизнес ва ху-
сусий тадбиркорлик субъектлари кол-
леж ўқувчиларини ишга фаол жалб
етишмоқда. Муҳими, корхоналарда
амалиётни яхши ўтаган битируvchilar
доимий иш ўринларига эга бўлмоқда.

Даврон НУРМАТОВ

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ТАРБИЯ ВА МАЪНАВИЯТ ЎЧОФИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оиласи
мустаҳкамлаш, оналини ҳимоя қилиш, бунда ёшларнинг
масъулиятини ошириш, хотин-қизлар саломатлиги ҳақида алоҳида ғамхўрлик
кўрсатишга доир ҳуқуқий кафолатларни такомиллаштириш борасидаги ишлар
берадиган юксак самаралар ҳалқаро миқёсда ҳам кенг ўтироф этилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик
палатасида «Жамиятнинг асосий бўғини сифатида оиласи
нинг ҳуқуқий кафолатлари: унинг фаровонлигини оши-
риш оиласи» мавзуидаги давра сұхбатида
шулар хусусида сўз юритилди. Олий Мажлиси Конунчилик
палатасининг Демократик институтлар, нодавлат таш-
килотлар ва фуқароларнинг ўзи башқариши органи-
зации қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тад-
бирида депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Адлия,
Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Халқ
таълими вазирларлари, жамоат ташкилотларининг рах-
барлари, олимлар ва эксперторлар, ҳуқуқшунослар, педа-
гоглар, мавнавият тарбиботчilari, шифокорлар ишти-
рок этиди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирinинг
ўринбосари А. Комилов ва бошқалар фуқароларнинг ҳуқуқ
ва манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг муносиб
ҳаёт кечириши учун барча шароит ва имкониятларни яра-
тиш, баркамол авлодни тарбиялаш Президентимиз
Ислом Каримов томонидан олиб бораётган кенг кўлумли
ислоҳотларнинг пировард максади эканни таъкидлadi.

Мавнавият-маърифий соҳалардаги янгиланиш жараё-
нида жамиятимизнинг мухим бўғини бўлган оила инсти-
тутини, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини
янада мустаҳкамлаш, ёш оиласида ҳар томонлами
кўллаб-куватлаш масаласига доимий ўтироф қаратил-
моқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси,
кўплаб мөъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда оила давлат ва жа-

мият муҳофазасида экани қатъий белgilanган. Давла-
тимиз раҳбари ташабbusi билан жорий йилнинг Муста-
ҳкам оила йили, деб ёзган қилиниши мамлакатимизда
оиласи маддий ва маънавий кўллаб-куватлаш
бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга
олиб чиқиша хизмат қилади. Бунда маҳаллалар, жамоат
ташкилотларининг масъулиятини янада ошириш, хот-
тин-қизлар учун кенг имкониятлар яратиш, мустакил ҳаёт
остонасидаги ёшларнинг ўз саломатлиги, келажаги, оила
ва жамият олдидаги масъулиятини кучайтириш юзасидан
кенг қарорли ишлар амалга оширилмоқда. Айни
пайтда қизларни эрта турмуша узатиш, якин қариндошада
ўртасидаги никонхониг олдини олиш, маънавий-ах-
лоқий тарбия ишларни самаралар йўлга кўйиш, ёшлар-
ни миллий ҳаёт тарзимизга зид foя ва ахборотларнинг
зарарли таъсиридан химоялаш, бунда оиласарлардаги муд-
датни чукур ўрганиш, ота-оналар, ўқитувчilar, жамоат
ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш дол-
зарб аҳамият касб этмоқда.

Давра сұхбатида оиласи мустаҳкамлигини таъминла-
ш, согром оиласи шакллантириш, ёш авлод, тарбия-
сига оид ишларни такомиллаштиришда тегишили вазир-
лиги ва идоралар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги ало-
қаларни янада кечайтириш, бу борадаги амалий чора-
тадбирларни мувофиқлаштириш бориси юзасидан вази-
фалар белгилab олинди.

Назокат УСМОНОВА,

ЎзА мухбiri

✓ **ТОШКЕНТ** Ахборот технологияла-
ри университети қошибади 2-академик
лицеяда эртага буюк мутафаккир Али-
шер Навоий ижоди ва ҳаётига баги-
шланган кечакида ўтиши.

✓ **ХАМЗА** туманида шаҳар ҳоким-
лиги ва шаҳар касабa ўюшмалари таш-

ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: СИНАЛГАН ВА ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛАР

**Яқинда Жанубий Кореяда нашр
этиладиган оммабоп журнallар –
«The Korea Times» ва «The Korea
Post» журналлари саҳифаларида
Ўзбекистон Республикаси ва
Корея Республикаси ўртасида
дипломатия муносабатлари
ўрнатилганиннинг 20 йиллигига
багишланган мақола ёзлон
қилинди.**

Ранг-баранг суратлар билан безатилган маз-
кур мақолада, асосан, мамлакатларимиз ўрта-
сида ўрнатилган муносабатларнинг тарихи
каламга олинган.

Тарихдан маълумки, давлатларимиз ўртаси-
даги иккни томонлама алоқалар рivoхига Корея
Республикаси биринчилардан бўлиб Ўзбекистон
мустақилигигини ўтироф этган куни –
1991 йил 30 декабрда асос солинган. Дипло-
матия муносабатлари эса 1992 йил 29 январда
ўрнатилди. Шундан бўён иккни давлат ўртасида
фаол сиёсий мулокотлар давом этиб келади.
Ўтган давр ичада олий даражадаги ўн битта
учрашув бўлиб ўтгани ана шу фаоллигинг яққол
яшадигидир.

Маколада қайд этилганидек, тарихан қисқа
давр мобайнида Ўзбекистон ва Корея Республи-
каси сиёсий, савдо-сармоявий ва маданий-гу-
маннитар йўналишлардаги ўзаро манбафти ҳам-
корлик бўйича салмоқли таҳрибатлар, бу иккни
мамлакат ўртасида келажақда ҳам амалга
ошириладиган узок муддатли лойӣҳалар учун
мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом
Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Респу-
бликасига буорган давлат таҳрифи чигида
Ўзбекистон – Корея ўртасидаги кўп томонлама
муносабатларни кенгайтириши ва чукурлаштириши
га жиддий турткি бергани ҳолда уларни сифат
жихатдан янги босқичга олиб чиқкан мухим ҳу-
жжат – Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериллик тўғри-
сидаги қўшилган макоматларни имзоланган эди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея бир-бираининг
минтайвий ва ҳалқаро аҳамиятли молик долзар
масалалар юзасидан ёндошувларни кўллаб-куват-
ватлар келмоқда. Ўзбекистон Корея Республика-
сининг рivoхиганланган ва рivoхлананётган давлат-
лар ўртасидаги мулокотда фаол воситачи ролини
мустаҳкамлаган ва унинг ҳалқаро майдондаги
нуғузи ҳамда таъсири ошиши хизмат қилган
тадбир – 2010 йил ноябрда Сеуда қўшилган
«кatta йигирмалик» савмилатининг мувafaқият-
ли натижаларни мъуқуллайди.

Маколада таъкидланишича, Ўзбекистон Мар-
казий Осиёда ядро куролидан ҳоли ҳудудни
яратиш ташабbusi сифатида Корея ярим
оролиниг ядросиз макомини қатъий равишда
куллаб-куватватлайди.

Мамлакатларимиз парламентлараро ҳамкор-
ликни рivoхлантириши соҳасида ҳам кatta мув-
afaқиятларига эришидлар. 1995 йилда Корея
Республикасининг Миллий Ассамблейсида
«Корея – Ўзбекистон» дўстлик парламент уюш-
маси ташкил этилди. 2005 йилда Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик
палатасида Корея билан ҳамкорлик қилиш бўйича
ташвишларни гурухи ўзаро ғафоялтиши бошлади.

Маколада Жанубий Корея Президенти Ли Мён
Бакнинг 2011 йил август ойида Ўзбекистонга бу-
орган давлат таҳриfi кўп киррал муносабат-
ларни янада кечайтириш жараёнидан мухим
босқич бўлгани ҳолда мамлакатларимиз ўртаси-
даги стратегик шерилликни янги амалий мазмун
билан бойиттаги ҳам алоҳида қайд этилди. Таш-
риф чигида савдо-иктисодий, сармоявий ва энер-
гетика соҳаларида ҳамкорликни янада рivoх-
лантиришга турткি берган мухим ҳujжатлар им-
золанди. Эришилган битимлар ичада Сурғон кони
негизида полизитлен ва полигроплен ишлаб чи-
қариш бўйича Устурт газ-ким мажмусини куриш
лоихаси алоҳида ўтиборга молидир.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМIZDA

- Фарғонада «Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг касаначиликни ривожлантириши бўйича фаолияти: тажриба ва амалиёт» мавзуида давра сұхбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишили кўмита-лари ҳамкорлигига ташкил этилган тад-бирида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари, Мехнат ва ахолни ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси вакиллари, маҳаллий кен-гашлар депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳуқук-тартибот органлари ходимлари иштирок этди.

- Навоий вилоятида 2011 йилда ви-
лоятини ижтимоий-иктисодий ривожланти-
риш якунлари ва 2012 йилдаги энг
муҳим устувор вазифалар мунхомаси-
га багишиланган фаоллар иштиро-
ки бўлиб ўтди.

- Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер
Навоий таваллудининг 571 йиллиги мун-
осабати билан Фарғона вилоятида ҳам
маънавий-маърифий учрашувлар, наво-
ийхонлик кечалари ўтказилмоқда. Ана
шундай тадбирлардан бирни Фурқат
маниш хизмат ва педагогика касб-хунар
коллекцида бўлиб ўтди. Кўкон давлат пе-
дагогика институти билан ҳамкорликда
ташкил этилган мазкур тадбирда наво-
ийшунос олимлар, шоир ва ёзувчilar,
ӯкувчи-ёшлар ҳамда журналистлар иш-
тироқ этди.



Кичик бизнес

ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР МАҲСУЛОТ

Кейинги пайтларда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиладиган мұхым әътибор бөнс тадбиркорларимиз үзларининг янгидан янги ғояларини ҳаёта татбиқ этмоқдалар. Қувонарли томони шундаки ишлаб чыкашига жиғдий бел боллаган тадбиркорлар юртимизда күпчилликни ташкил этади.

Хусусан, сифатлы ва ракобат-бардош маҳсулот тайёрлаб, уларни истемолчиларга етказиб беринши ният қылған хусусий тадбиркор Абдувоҳид Абдукаримов ҳам ишбильармөнлик фаолиятини иккى йил авлал бошлаган. Ҳозирда А.Абдукаримов рахбарлик қилаётган «Хапита biznes» масыншылығын чекланған жамиятида «Volcan cafe» номи остида ишлаб чыкарилаётган унтастас биттада ярим тайёр қаҳва маҳсулоти үзининг юқори сифаты билан ичи бозорда үз үрнінга эга.

Бошқа ракобатдош корхоналарниңдан фарқлы үлгар таркибида қаҳва, куруқ сут кукуни ҳамда шакар үрнінга новвот соғылбайткан ушбу ярим тайёр қаҳва маҳсулоти үзининг юқори сифаты билан ичи бозорда үз үрнінга эга.

Юртимизда үзимизнинг ёки четдан көлтирилган учтаси биттада ярим тайёр қаҳва маҳсулотлари тайёрловчы корхона ва фирмалар күплаб тошилади; — дейди «Хапита biznes» масыншылығын чекланған жамияти директори Абдувоҳид Абдукаримов. — Уларда қаҳванинг таъми турліча бўлиши мумкин, лекин таркибига дебарли ҳамма тадбиркорлар шакар соладилар. Биз улардан ажраби туриш учун фақаттинга Ўрта Осиё давлатларидагина мавжуд бўлган новвот маҳсулотини қўшиши йўлга кўйдик. Четдан фақаттинга куруқ сут кукуни ва қаҳва олиб келинади. Қадоқлаш ишлари шу ернинг ўзида бажарилади. Бунинг учун хориждан энг замонавий турдаги, барча стан-

дартларга жавоб берувчи қадоқлаш ускунасини көлтириб ўрнатади. Бундан ташкири, ярим тайёр қаҳва маҳсулотларини жойлаш учун пакетчалар, этикеткалар етказиб берувчи корхоналар билан ҳам ҳамкорликни йўлга кўйганимиз.

Ушбу ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чыкариш ва ахолига етказиб берасида корхона жамоаси доимий ҳаракатда ва изланишида. Жумладан, бу йилги режалар сирасидан корхонани кенгайтириши ҳамда маҳсулот сифатини янада ошириб, турларини кўпайтириш юмушлари ўрин олган.

Ахолига мана шундай сифатли маҳсулот етказишини ният қылған тадбиркорларимиз сафири кенгайшига тилакдошмиз. Нигора БОЙХЎЖАЕВА

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшима мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳақидаги мъарузаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хўқук ислоҳотлари ҳақида фикр юритиб, «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди.

Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эрkinliklariни химоя қилиш борасида умумъетirof этилган принциплар ва ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлади дега таъкидлаб ўтганлар.

Айтиш кераки, қонунчиликдаги ушбу янгилик жиноятчиликка карши кураш соҳасида ҳалқаро ҳамкорликнинг бир қатор муаммоли жиҳатларига оидинлик кириди, жумладан, экстрадиция жараёнда шубал берилиши сўраладиган шахсни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш тўғрисидаги прокурор санкцияси хорижий мамлакатларда тан олинмай кўп сансалорликларга сабаб бўларди. Бундай ваколатнинг судларга олиб берилиши ҳалқаро ҳамкорликдаги шу каби масалаларга аниқлик кириди.

Зеро, муқаддам экстрадиция килишга оид ЖПК нормаларини кўллашда жиддий муаммолар юзага келган. Хусусан, Европанинг экстрадиция килиши тўғрисидаги Конвенцияси, МДХ давлатларининг бошлеклари имзолаган Минск ва Кинешев Конвенцияларидаги жиноят содир этишда айланбаётган шахсни бир давлатдан бошқа давлат ихтиёрига бериш учун унга нисбатан қамоқ чорасининг кўлланилиши кўзда тутилган.

Ваҳоланки, қамоққа олиш тўғрисидаги прокурорнинг карори хорижий давлатларда ҳалқаро ҳуқуқда тан олинган ҳуҗжат сифатида қабул килинмайди ва бу ҳақда факат суднинг қарори бўлиши талаб этилади.

Бу каби мунозарали масалаларни ижобий ҳал қилиш учун айрим маҳсус муносабатларни янада аниқлаштириш тақозо этиларди. Шундай экан, қамоққа олиш учун санкция бериш ваколатнинг судларга ўтказилиши мазкур соҳадаги амалиёт самарадорлигини ошириди.

Сўнгги вактларда ушлаб беришни инсонпарварлик нюқтаи назаридан рад этиш ҳам назарда тутилмоқда.

Конунларимизни ўрганамиз

ИСЛОҲОТЛАР – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

бўлган муомала ва жазо турларига гирифтор этилиши мумкин, деб ҳисоблаш учун асослари мавжуд бўлса, жиноятини ушлаб беришини рад этиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ҳам ўз қарорларидан бирда кийноқ ва гайриинсоний муомала ёки жазо турларини кўлаш, шунингдек, одил суд мухокамасига бўлган кафолатнинг мавжуд эмаслиги ушлаб беришини рад этиш учун асос бўлиб ҳизмат қилиши мумкинлигини кайд этади.

Шунингдек, талаб қилаётган давлат жиноят қонунчиликдаги мазкур қилими учун ўлим жазоси қўзда тутиган бўлса ҳам шахснинг экстрадиция қилинмаслиги тўғрисидаги коюда бўлган кунда жаҳон ҳамжамилиги томонидан тан олинмоқда. Хусусан, ҳозирда дунёда 58 та мамлакатда (АКШнинг 38 та штатида, Япония, Хитой, Хиндистон, Эрон, Туркия, Кувайт, Индонезия,

**Корхона ва ташкилотларда
Меҳнатни муҳофаза қилиш
ҳамда ходимларга қуай меҳнат
шароитларини яратиш борасида
Ўзбекистон алоқа ходимлари
касаба уюшмаси томонидан
қатор ибратли ишлар амалга
оширилаётган. Бу каби ижтимоий
масалалар республика алоқа
ходимлари марказий
кенгашининг навбатдаги
мажлисида атрофлича кўриб
чиқилди.**

Касаба уюшмаларида

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

— Соҳа корхоналарида меҳнатни муҳофаза килишга алоҳида әътибор берилмоқда, — дейди марказий кенгаш раиси Т. Тешабоев. — Бу борада меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳар бир ходимга сарфланган ўртача маблаг миқдори 2011 йилнинг яримда 53,8 минг сўмни ташкил этди, ходимларни даврий тиббий кўриқдан ўтказиш борасида эса «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясиning «Бош Коммутация маркази», «Тошкент шаҳар телефон тармоғи»да режали ишлар олиб борилди. Мазкур корхоналарда алоҳида тиббий хоналари ахрардиган, малакали шифокорларнинг хизматлари йўлга кўйилди.

Жамоа шартномалари ва келишувларга кўра, белгиланган режалар ўз вақтида амалга оширилди. Шунингдек, техникавий, санитария-гигиена ишларида ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Транспорт

Тўла таъмирдан чиқди

**Тошкент метрополитенига
қарашли «Ўзбекистон»
электрдепоси мажмуаси
вагонларни туб таъмирлашда
илғор технологиялардан
фойдаланмоқда.**

Бу жараёнда самара-дорликка эришиш максадида таъян ўтказгичлар, вагон жиҳозларини замонавий бошқашриз тизими, шунингдек, салонлар дизайнини модернизация-лаш ишлари олиб борилди.

Чилонзор йўлнининг бир қатор бекатларида эса архитектура бадиий безакларни кайта тикашга эришилди.

Акбар АЛИЕВ

Миср, Ливия, Яман, Иордания, Руминия ва ш.к.) ўлим жазоси амада бўлб, ўз навбатида мазкур давлатлар билан экстрадиция бўйича муносабатларга киришганда, талаб қилинаётган шахс содир этишида айланбаётган қўлмиши учун ўлим жазоси тайинланиши мумкинлиги асоси билан экстрадиция қилиш рад этилиши мумкин.

Республикамизда эса, 2007 йил 11 июлдаги «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариши ва қўшимчалар кириши тўғрисида»-ги қонунга асосан, 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан ушбу масала ўз ечиними топди. Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараккиёт йўли» номи асарида таъкидлаганидек, «Эндиликда мамлакатимизда ўлим жазоси умрబод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди ва у

факат иккى турдаги жиноят, юни, жабогарликни оғирлаштируви холатларда қасдидан одам ўлдириш (ЎзР ЖК 97-модда иккинчи кисми) ва терроризм (ЎзР ЖК 155-модда учинчи кисми) учун тайинланадиган бўлди. Таъкидлаш жоизки, умрబод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польша каби давлатларда 5 турдаги, Бельгия ва Россия Федерациясида 6, Францияда 18, Голландияда эса 19 турдаги жиноят учун тайинланадиган. Албатт тан олиш кераки, конунчиликдаги бундай ижобий ўзгаришлар мамлакатимизда ўлим жазоси умрబод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди ва у

делилидир. Ўзбекистон Республикасининг миллий конунчиликни ва суд-хўқук амалийтини ўрганиш асосида ҳозирда мамлакатимиз иштирокида амалдаги қонунчиликни тўлдириувчи ва уни кўллашни осонлаштируви, шунингдек, уларни иккى этиши мобайнида ўзига келаётган камчиликларни бартараф этиш ҳамда давлатларнинг жиноятчиликка карши кураш соҳасидаги ҳалқаро ҳамжамилиги тўғрисидаги коюда кийноқ ва гайриинсоний муносабатларни олиб борилаётган суд-хўқук ислоҳотлари самарадорлигининг оширилиши беради.

Дилдора УМАРХАНОВА,
ТДЮИ «Ҳалқаро ва киёсий ҳуқуқ»
кафедраси ўқитувчisi,
юридик фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: СИНАЛГАН ВА ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан ташкири, дипломатия муносабатлари ўрнатилганинг 20 йиллиги санаси арафасида Ўзбекистон Жанубий Корея Миллий Асамблеяси спикери Пак Хи Тэ ташиф буюди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда мамлакатимиз хуқуқи аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида иккى томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаштириш учун парламентлараро алокаларни чукурлаштиришинг мухимлиги ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Маълумки, 1995 йилдан бўён иккى давлат ташкири, дипломатия муносабатлари ўртасида мунтазам сиёсий маслаҳатларни таъсизлаб ўтказиб келинади. Уларнинг сўнгиси 2011 йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган таддирлар ўзаро ишонч асосида иккى томонлама муносабатларни янада кирраларини мухоммада этиши, ўзаро манфаат касб этадиган долзарб минтақавий ва ҳалқаро масалалар юзасидан фикр мамлакатини бермоқда.

Мақолада иккى мамлакат махаллий ўз-ўзини бошқариш органлари даражасидаги ҳамкорлик алокаларни муввафқиятли тарзда амалга оширилаётгани мавзуи ҳам қаламга олинган бўлиб, бундан муносабатларни янада кирраларни ўртасида барча қирраларни бўлди. Сеул, Фарғона ва Ёнғин, Намангандан Сонгам шаҳарлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишувларга эришилгани журналхонлар эътиборига хавола килинади.

Муалиф савдо-иктисодий ва сармоявий ҳамкорлик кенгайшининг барча қарорларлик тамоилини, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида иккى томонлама савдо-сотик ҳамжамининг тобора ўсиги бораёттанини кайд этар экан, бу борадаги кўрсаткич 2010 йилда 1,6 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этганини таъкидлайди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси тог-кон, нефт-газ, нефть-газ, мунай, куриши, автомобилсозлик, тўқимачилик, кишлоқ ҳўялиги, шунингдек, энергияни тежаш технологиялари соҳасидаги сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун кенг истиқболга эгади.

«Бугунги кунда Ўзбекистонда 360 та Жанубий Корея корхонаси фабрияят ўртасида бўлб, уларнинг 59 таси юз фоиз Корея маблағи асосида иш олиб бормокда. Ушбу корхоналар, асосан, савдо-сотик, ёнгил саноати, тог-кон, кимё, озиқовқат саноати, машинасозлини метални кайта ишлаш, соғлиқни саклаш, сайдхолик ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ихтисослашган. Ўзбекистон Республикаси Ташкири, инвесторлардан таъкидлайди.

Шуни ҳам кайд этиш ҳоизки, иккى томонлама ҳамкорликнинг истиқболи йўналишларидан бирни «Навоий» ёркин индустрисал-иктисодий худуди доирасидаги лойиҳаларни рўбига чиқариши хисобланади. Эр

Дзюдо

ЎЗБЕК ДЗЮДОЧИЛАРИ – БИРИНЧИ

Франция пойтахти Париж шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича «Катта дубулға» туркумидаги халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари икки олтин ва икки бронза медаль жамғарib, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Президентимиз Ислом Каримов рахнамолигида юртимизда спортни ривожлантириш, замонавий спорт иншоотлари барпо этиш ҳамда уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш борасида кенг кўллами ишлар амалга оширилмоқда. Бу ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий камолотини таъминлаш билан бирга улар орасидан халқаро майдонларда мамлакатимиз шафани муносиб ҳимоя килишга қодир спортичлар етишиб чиқишида мухим омил бўлаётди.

Дзюдо бўйича нуфузли мусобақаларда муваффакият қозонаётган спортичларимиз ҳам ана шундай эътибор ва фамхўрлик самарасида вояга етган ёшлардир. Дунёда етакчилардан хисобланган Ўзбекистон дзюдо мактаби тарбияланувчиларининг аксариити давлатимиз раҳбарининг ташабуси билан йўлга ўтилган тавым соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт тизими – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларида кашф этилган.

Парик шаҳри мезонлик килган Халқаро дзюдо федерациясининг (IJF) энг нуфузли мусобақаларидан бирин – «Катта дубулға» туркумидаги халқаро турнирида дунёниг ўтқондан зиёд мамлакатидан олти юз нафарга яқин энг кучли дзюдоини соринли ўрнлар ва 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларида катнашиш ҳукукини берадиган рейтинг очколари учун бел олиши.

Дзюдоичор олимпия йўлланмаларни кўлга киритиш учун иккى йил давомида жаҳон кубоги, «Гран-при» ва «Катта дубулға» каби нуфузли мусобақаларда рейтинг очколарини жамғарди. «Катта дубулға» туркумидаги тўрт халқаро турнир Париж, Москва, Рио-де-Жанейро ва Токио шаҳарларида ўтказилади. Париждаги мусобақа ана шу турнирлардан дастлабкиси бўлиб, унда беллашувлар ёркаклар ўртасида етти вазн тоифасида ўтказилди.

Нуфузли спорт анжуманида кўпчилик муҳлису мутахассислар эътибори 60 килограмм вазн тоифасида татамига чиқкан ўзбекистонлик Ришод Собировга

қарататилди. Халқаро дзюдо федерацияси томонидан дунёниг энг кучли дзюдочиси, деб эътироф этилган Пекин Олимпиадаси сориндори, иккя карра жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари голиби ва жаҳон рейтингни етакчиси Ришод полвон бугунги кунда Лондон Олимпиадасининг ҳам олтин медалига асосий дэвобарлардан ҳисобланади.

Ўтган йили Париж ва Москвадаги «Катта дубулға» турнирларида бош соринрин кўлга киритган ўзбек дзюдочиси галабали оидимларини давом этириди. Ришод финалдага ўтган учрашувларда чехиялик Павел Петров, швейцариялик Людовик Чамартин, россиялик Роберт Мшивидобадзе, жанубий кореялик Жанг Жин Минни мағлубиятга уратди.


Олтин медаль учун ҳал қўлувчи беллашувда ҳамортизига Ким Вон Жин (Жанубий Корея) рўйбар кеди. Бахсада ўзининг чироили усулини самарали кўллаган Ришод Собиров ўн бир сонияни кучли ракибининг курагини ерга текказиб, соғ фалабага эришиди.

Терма жамоамиз ҳисобига иккичи олтин медални 90 килограммгача вазн тоифасида Дилшод Чориев кеттириди. У саралаш баҳсларида франциялик Николас Бриссон, пошлини Роберт Кравчик, озарбайжонлик Элхон Маммадов, россиялик жаҳон чемпионати сориндори Кирилл Денисовни мағлубиятга учратди. Сўнгги беллашувда украиналик Роман Гонтюкка қарши татамига чиқкан Дилшод Чориев ракибини соғ фалаба билан мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юкори погонасига кўтарилиди.

Таъкидлаш жоиз, турнирнинг олтин медаллари фақат Ўзбекистон, Мўгулистан, Франция ва Германия вакилларига наисбет этиди.

Халқаро майдондаги мусобақаларда юртимиз шафани муносиб ҳимоя килиб келаётган оғир вазнили половондан – дзюдо бўйича Пекин Олимпиадаси кумуш медали сориндори, мутлақ жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев ҳамда Осиё ўйинлари сориндори Рамзидин Саидов бронза медалларини кўлга киритиди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухабири



Спорт янгиликлари

ЯНГИ ФУТБОЛЧИЛАР СИНОВДАН ЎТМОҚДА

Жорий йилда мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Пахтакор»ни сербиялик мутахассис Журжевич бошқараётганидан хабарингиз бор.

Янги мавсумда фақат олтин медаллар учун курашишга бел боғлаган пахтакорчилик Антalia шаҳрида ўқув-йигин машрутотларини ўтказиши. Янги бош мурабабий асосан умидли ёш футболчиларга таянган ҳолда юксак мэрарларни кўзлаётганини хеч кимдан яширамайти. Лекин шу билан бирга пахтакорчилар сафида хорижлик леғионер Шибамура ҳамда маҳаллий футболчи Махмудов мурабабийлар кўригидан ўтмоқда. Мазкур чарм тўп усталари Антalia шаҳрида ўқув-машрутот йигинларида иштирок этишиди ва бошқа командалар билан ушоширилган назорат-ўртоқлик учрашувларида майдонга тушиди.

Дубай шаҳрида икки ҳафталик ўқув-машрутот йигинларини ўтказган амалдаги Ўзбекистон чемпиони «Бунёдкор» жамоаси куни кеча Туркияга жўнаб кетди.

Гап шундаки, жорий йилда ҳам ўз мухлислири кўнглини шод этиш ва албатта яна чемпион бўлишини нияти қилган Миржалол Косимов шигоридарни Антalia шаҳрида ўқув-йигин машрутотларida иштирок этишиди ва Европанинг анича номдор клублари би-

лан назорат-ўртоқлик учрашувларида кўнишнишиди. Эслатиб ўтамиз, «Бунёдкор» таркибида ҳам жорий мавсумда янги футбольчилар тўп сурини кутилимоқда. Чунки жамоада селекция ишлари кизгин давом этмоқда.

Акбар Йўлдошев

ЧЕМПИОН ЖАМОА ТУРКИЯДА

«01»

ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Бугунги кунда огоҳлик барчамиз учун зарур. Бу жамият учун ҳам, шахс учун ҳам хавфсизликни таъминлашда мухим омилдир. Фуқаролар ва давлат мулкни асрар-авайлаш, турли тажовузлару оғатлардан ҳимоя қилиш эса ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Шу катори, ўзимизни, яқинларимизни ва ўй-жойларимизни ёнгин оғатидан саклаш хавфсизликнинг ажralmas бир кисмидир. Бу эса ҳамиша ва ҳамма ерда масъулиятли бўлишини талаб этади. Чунки эҳтиётислер ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиқсан ёнгин оқибатида ўй ёки исхона, у ерлардаги моддий бойликлар чин маънода ёниб кулга айланishi хеч гапмас. Энг ачинарлиси эса — ўт балоси сабабли инсонларнинг ҳаётни остида колади.

Содир бўлаётган ёнгинларнинг аксариити фуқароларининг яшаш жойларида юз берәттинглигини алоҳида таъкидлаш лозим. Зоро, газдан ёки электр асбобларидан нотғури фойдаланиш, уларни ўз билганича тузиши, қаровсиз колдириш, бефарқлик, умуман ёнгин хавфсизлиги коидаларига амал қиласаслик ҳолатлари кўпинча аҳоли турар жойларида учрайди. Кошишлар аксариити ҳолларда шу каби арзимас туъюлган хавфсизлик коидаларини билишиди, аммо эътибор беришишади. Айримлар хатто кўра-била туриб коидаларини бузишади, гўёни бу уларга таалуқли эмасдек қарашади. Оқибатда эса ёнгин содир бўлиб, катар зарап кетлириши мумкин.

Ўзимиздан ташланган сигарета қолдиги, электр симларининг киска туташуви ёки ёки коидир кетилган газ плитаси қанча кўнглисиликларни бошлаб келиши мумкин. Буларнинг оддини олиш учун эса кўнгаска керак эмас, озигина хафса сала қўлласак ва болаларга ҳам шуни ўргатсан бас. Дарҳақиқат, оловни ўчиришдан кура ўнинг оддини олган афзал. Ёнб ходимлар шиорига айланган ушбу ибора барчамизниң ҳаётини кўрдимиз бўлиши тинчлик ва тохирхамлик кафолатидир.

**Азимхўжа РУСТАМОВ,
Тошкент шаҳар 12-ҲЕХО кичик инспектори, сафдор**



ҲИКМАТ — ДИП ЧИРОГИ ТЎРТЛИКЛАР

Софинч сўзидағи хуш садо яхши,
Сизни соғинтирган ул зиё яхши.
Юз йил кўрмаса ҳам йўқламаслар бор,
Дийдордан тўкилган хуш дуо яхши.

Кексалик ўзи дард, азалдан бор гап,
Ажабки, бу дардга бериб бўлмас чап.

Худойим хушласа, эл ардокласа
Улуғ ёшларда ҳам топгайсан шараф.

Одам яралибди кўзи тўймасмиш,
Кўзи оч банданинг ўзи тўймасмиш.

Иймон эгалари билсанг шу боис,
Нафасини жиловдан

сира кўймасмиш.

Тилаб борсанг бошингга,
маломатлар ёғилгай.

Чин дўстдан ҳам бир фалат,
аломатлар ёғилгай.

Ўзингда йўқ оламда, йўқ дегани
рост экан,
Ҳакдан сўра яхшиси,
кароматлар ёғилгай.

Кўзларинг оч, кўёшга қара,
Каршингдаги дилдошга қара.

Икки нурнинг оросида сан,
Шу нур ила кўнглингни тара.

Сал пастроқ тушсанламагин,
Дарров тўрдан жой танламагин.

Йўқ меҳмонни қошимингга чорлаб,
Йўқ обрўни нишонламагин.

Шунчаки йигламоқ аёлга одат,
Шунчаки йигламоқ бермас саодат.

Шунчаки йигламоқ эркак зотига,
Хатто шайтонлар ҳам қилолмас тоқат.

Вафонинг бешиги она кўлида,
Садоқат зулфини тутган ҳам она.

Кўнглинг чироғидан сўраб
кўр, Махмуд,
Онанг бўлолмайди минг бир парвона.

Гуллар ногоҳ сўлса алам қиларкан,
Инсон бевақт ўлса алам қиларкан.
Бир тошки жойидан ўзи сурилмас,
Наҳот бу ишларни одам қиларкан?!?

Яхшиликнинг яроғи савоб,
Омонликнинг чироғи савоб.
Бир савоб бор салмоғи селдек,
Гар онангни қилолсанг тавоғ.

(Давоми бор)

Махмуд ТОИР



«Шарқ» наширият-матбаба акциядорли

компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-йўл

Бош мұхаррир Акмал АКРОМОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНГИЧ БАХОСИ БОСКИЧМА-БОСКИЧ ОШИВ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Танлов савдосига ТИФ «Миллий банк»нинг куйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз улушлари кўйилмоқда:

№	Танловга кўйилган обьект	Корхона жойлашган манзил	Сотувга кўйилган улуш (%)	Закалат мидори (%)	Бошлангич баҳоси (Сўм ёки АҚШ долларидаги)*	
Сўм	АҚШ доллари					

<tbl_r cells="7" ix="4" maxcspan="1"